

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА МУСИҚА САНЪАТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Алижон Эргашев Абдуллаевич

ФарДУ мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6569773>

Аннотация. Мақолада мустақил Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида санъат, маданият жумладан мусиқа соҳаларида амалга оширилаётган саъи ҳаракатлар ёритилади.

Калим сўзлар: санъат, маданият, мусиқа, мусиқий таълим, мактабдан ташқари таълим, жанр, фестивалъ.

ПЕРСПЕКТИВЫ МУЗЫКАЛЬНОГО ИСКУССТВА НА НОВОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. В статье описаны усилия независимого Узбекистана на новом этапе развития в области искусства, культуры, музыки.

Ключевые слова: искусство, культура, музыка, музыкальное образование, внешкольное образование, жанр, фестиваль.

PROSPECTS OF MUSIC ARTS IN THE NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN

Abstract. The article describes the efforts of independent Uzbekistan at a new stage of development in the field of art, culture, music.

Keywords: art, culture, music, music education, extracurricular education, genre, festival.

Кириш. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг миллий анъаналарни тиклашга катта аҳамият берилди бошлангани санъатимиз ривожининг янги босқичига замин яратди. 1996 йилдан республика бўйлаб “Ўзбекистон – Ватаним маним” энг яхши кўшиқ кўрик танлови, 1998 йилдан бошлаб эса ушбу танлов умумхалқ кўшиқлар байрами сифатида нишонлана бошланди. [2:1] 2010 йилдан “Ягонасан, муқаддас Ватан”[3:] кўшиқлар кўрик танлови, Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон халқаро мусиқий фестиваллар замини сифатида ном таратди. “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқий фестивали 1997 йилдан [4:] (ҳар уч йилда) Самарқанд шаҳрида ўтказилиши анъанага айланди. Ушбу фестивалда жаҳоннинг 50 дан ортиқ давлатларидан келган мусиқачилар иштирок этдилар.

XX асрнинг 90 – йилларида мамлакатимизда қадимий анъаналар асосида умумхалқ байрамлари қайта тикланди ва халқаро мусиқа фестиваллари ташкилланмоқда ва шу аснода композиторлик ҳамда ижрочилик ижодиёти фаол ривож топмоқда.

Собиқ шўро даври мафқураси исканжасида бўлган ўзбек мусиқа меросининг Шарқ халқлари анъаналари билан тарихий алоқалари янги босқичга кўтарилди ва ижодий ҳамкорликлар йўлга қўйилди бошланди. Айнан шу маданий алоқалар, мусиқанинг илоҳий таъсир кучи ва ўзбек халқининг бой мусиқа меросининг аҳамияти ва мавқеини, унинг Шарқ мусиқаси билан муштараклигини назарда тутган Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримовнинг «Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк... Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда», деган сўзлари юқоридаги фикрлар исботидир [1.Б.140].

Ўзбек халқининг турмуш тарзи кейинги йилларда мисли кўрилмаган даражада ўзгарди. Эндиликда, бугунги кун кишиси яхши ҳаёт кечирриш, мулоқотнинг гўзал намуналарини намоён этиш, энг муҳими, воқеликни эстетик ўзлаштиришнинг ўзига мос йўлидан бормоқда. Бу айни пайтда, мусиқий маданият ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Тадқиқот материаллари ва методологияси. Мусиқа жамият маънавий тараққиётида санъатнинг бошқа турларига нисбатан глобал таъсир этиш хусусиятига эга. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов: “Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади... Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”, деган фикрни билдирган эдилар [1.Б.140-141].

Маълумки, ўзбек халқининг маънавий гўзаллиги асрлар қаъридан келаётган куй-оҳангларида ўзининг ажойиб, бетакрор бадиий инъикосини топган. Алломалармиз берган таърифлардан бирига кўра, мусиқа – инсон руҳининг озиғидир. Бинобарин, миллий мусиқа кўп асрлар давомида аждодларимиз бой маънавиятининг, теран тафаккурининг, баркамол руҳия-тининг садолардаги жонли ифодаси ваянги, буюк давлат бунёдкори бўлмиш жамиятимизнинг руҳ қуввати ва жон озиғидир.

Мустақиллик йиллари ўзбек анъанавий мусиқасига эътибор янада кучайди. Миллий қадриятлар, урф-одатлар ва маросимларнинг тикланиши мусиқа соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлди. Қадимий миллий мусиқамиздаги бой бадиий-тасвирий воситалар билан бир қаторда, янги жанр ва турларини ўзлаштириш натижасида ўзбек мусиқа санъати яна ҳам юксак даражага кўтарилди. Шу боисдан республика миқёсида кўплаб кўрик-танловлар ташкил қилинмоқда.

Ўзбекистоннинг замонавий санъати кўп асрлик ўзбек халқининг бадиий анъаналари асосида ривож топиб келган. Республика мусиқий ҳаётининг ўзига хос чизгилари мустақиллик йилларида ёрқин маданий парвозга эришди. Ўзбекистоннинг замонавий мусиқа маданияти анъанавий мусиқанинг турли шакллари (мусиқий фольклор, оғзаки анъанадаги мусиқа, бастакорлик ижодиёти, анъанавий ижрочилик) ва профессионал академик мусиқа маданиятини (композиторлик ижодиёти, ижрочилик ва мусиқий таълими) ўзида акс эттиради.

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистоннинг ёш мусиқа ижрочилари халқаро нуфузли мусиқий танловларда қатнашиб ютуқларни кўлга киритишмоқда (У.Палванов, И.Гульзарова, Р.Абдуллаев). Ўзбекистон композиторларининг (М.Тожиев, И.Акбаров, Ф.Янов–Яновский, Д.Янов–Яновский, М.Бафоев, Р.Абдуллаев, Д.Сайдаминова, Т.Қурбонов, Ф.Алимов, А.Эргашев) асарлари четдавлат-ларда тингловчилар томонидан муваффақият билан қарши олинмоқда. “Ўзбекистон виртуозлари”, Ю.Ражабий номидаги мақом ансамбли, Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, “Сўғдиёна” Ўзбекистон халқ чолғулари камер оркестри, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг балет труппалари каби кўплаб жамоалар концерт ва гастроль сафарларидан чет эл тингловчиларининг юракларини заб этиб қайтишмоқда. Эстрада йўналишида ижод

килаётган Д.Омонуллаева, В.Сапаров, А.Икромов, Ш.Зокиров, Х.Хаса-нова, А.Расулов каби композиторларнинг асарлари мамнуният билан ижро этилмоқда.

Ўн йил давомида композитор Д.Янов-Яновский ташаббуси билан ташкилланган (1996–2006 йиллари) Тошкентда “Илхом–XX” Халқаро замонавий мусиқа фестивали [5:23] ўтказилиб келинди. Фестивалнинг мақсади – мусиқа ва санъат шинавандаларини Европа, АҚШ, Россия, Марказий Осиё ва Ўзбекистонлик (Д.Варелас, Д.Шукуров, М.Бафоев, П.Медюлянова, А.Ким, А.Латифзаде, Д.Саидаминова, Х.Рахимов, А.Содиқов) XX аср композитор ва ижрочиларининг серқирра ва қизиқарли ижод махсуллари билан таништириш бўлди.

Шуни таъкидлаш лозимки, XX асрда ўзбек мусиқа санъатида кескин ўзгаришлар содир бўлди: соҳада янги йўналишлар юзага келди. Эстрада ана шундай йўналишларнинг биридир. Эстрада санъатининг тарбиявий хусусиятлари, унинг шаклланиш тарихи, ўзбек эстрадасида қўшиқчилик, миллий эстрададаги мусиқий йўналишлар билан боғлиқ тадқиқотлар ўз навбатида, миллий мусиқа санъатининг тарбиявий қадрият сифатидаги пойдеворини мустаҳкамлайди. Бу борада санъатшунос-файласуф Маъмуржон Умаровнинг тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш мумкин. Олим ўзбек эстрада мусиқаси шаклланиш жараёнида анъанавий халқ мусиқа намуналари муҳим замин бўлганлиги, бунда, асосан уларнинг рақсбоплиги, енгил оҳанг-усулларда ижро этилгани қўл келганлиги, айти пайтда бу ҳолат ўзбек эстрада мусиқасининг миллий асосини ҳам таъминловчи муҳим воситалардан бири бўлганлигини таъкидлайди. Шу билан бирга бугунги эстрада қўшиқлари орасида миллийлик анъаналарига таяниб яратилган асарлар қаторида йўл қўйилаётган «кўчирмачилик», ғализ интонация, «қуроқлашган» оҳанг тизими ва ҳоказо ижрочилик билан боғлиқ унсурларни ёритишга урғуберилаётган-лигини ҳам алоҳида таъкидлаб, «Бу йўлдаги изланишлар оҳанг ўғирлиги, яъни қароқчилик нокасбий мутахассислар орасида «ўзи ёзиб», «ўзи куйлов-чилар» сафини кенгайтириб юборди.

Сунъий тарзда тўкиладиган жўровозлик билан бирга қўшиқчи овозидаги нуқсонларни компьютер ёрдамида «текислаш» ҳам йўлга қўйилди. Бу ҳақиқий санъатда анъана бўлиб келган узвийликни, ҳатто давомийликни ҳам инкор қилувчи «инкубаторлар» кўринишини жорий қилишдир. Жаҳон эстрадаси юлдузлари орқасидан излаб қувиш, уларга кўр-кўрона таассуб қилиш, ҳатто назардан қолганларига ҳам саждада бўлиш ҳозирги кунда кенг авж олди. Бу ўзбек эстрадасида мусиқа жанрига нисбатан ўткинчи жанр ёки номустақил ижод тури сифатида қаровчилар сафини кенгайтди», - дейди [6.Б.293].

Дарҳақиқат, бугунги кунда мусиқий меросимизнинг илғор анъаналари ва қадриятларини тиклаш, уларнинг ҳаётлигини таъминлаш ва нолага янгича жозиба бахш этиш борасида замонавий анъаналар шаклланимоқда. Бу ҳолат айниқса, қўшиқчилик санъатининг эстрада жанрида яққол кўзга ташланмоқда. Халқнинг мусиқий меросига ва тарбиявий қадриятига айланган мумтоз қўшиқларимизнинг ёш хонандалар томонидан янгича талқинда аранжировка қилиниб куйланаётганлиги қувонарли хол. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, халқ мусиқасининг оҳангида ўзига хос нола бор. Бу нолада ҳам қўшиқ ижрочисининг, ҳам халқнинг дарди ифодаланади. Энг муҳими, мусиқадаги оҳанг билан ноланинг уйғунлиги халқ ва миллатнинг тарбиявий дидини кўрсатади.

Кейинги йилларда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар боис миллий муסיқа санъатида ҳам моҳиятан янгиланишлар содир бўлди. Эндиликда жадал суъратлар билан илдамлаб бораётган муסיқа санъати амалиётида хилма-хил услуб ва оқимлар юзага келаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу каби тамойиллар биринчи навбатда муסיқадаги оҳанглар тизимида ўз аксини топмоқда. Хусусан, муסיқанинг оҳанг манбалари доираси ниҳоятда кенгайди, бу жараёнда миллий анъаналарга ижодий таянган бадий етук намуналар билан бир қаторда хорижий «йўл»ларда таклид этилган, баъзан эса оҳанглари бевосита «чет»дан олинган муסיқалар ҳам тобора кўпайди. Эндиликда бу ранг-баранг оҳанг «манзараларини» илмий идрок қилиш, теран таҳлиллар натижаси ўлароқ амалий қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати кун тартибига қўйилган энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Қадимда «Алҳони Муллаза (лаззатбахш куй)», «Алҳони Муҳайяла (ҳаёлий, тасвирий характердаги куй)», «Алҳони Инфиолийя (лирик, маҳзун куйлар)» кабилар бастакорликнинг асосий шартларидан ҳисобланган. Шунга кўра, оҳанг андозалари ундан ижодий ва оқилона фойдаланишни талаб этади. Бунинг учун муסיқашунос ва бастакорда истеъдод ёки муайян билим ҳамда кўникма бўлиши керак. Чунончи, кўплаб эстрада кўшиқларида бир қолипдаги оҳанг доирасида ўралашиб қолиш, унинг қамровидан чиқа олмаслик, ҳар бир оҳангга мос бўлган табиийликни қўллаш олмаслик натижасида бачкана оҳанглар, сийқасиз муסיқалар юзага келиши ҳатто оҳангнинг миллий тафаккурини, ижтимоий-маънавий моҳиятини ҳамда фалсафий-тарбиявий мазмунини ўзгартириб юбориши мумкин. Бу эса пировадиди муסיқанинг жозибаторлигига путур етказди. Бундай ҳолатлар бугунги кунда Шарқ (асосан эронча, хиндча, арабча) ва Ғарб (асосан туркча, испанча, русча, италянча) муסיқасига таклид қилиниши натижасида юзага келмоқда. Уларнинг куйларида миллий тарбиявий тафаккуримизга номуносиб бўлган мезонлар мавжуд. Бу мезонлар пировадиди қуйидаги салбий ҳолатларни келтириб чиқаради:

1. Муסיқадаги енгил-елпи куйлар умуммиллий маданиятимизнинг юксак анъаналарига зидлиги. Бу ҳолат ғоятда ҳатарли ҳодиса бўлиб, «оммавий маданият»ни келтириб чиқаради.

2. Муסיқий оҳангнинг маънавий-тарбиявий қадрият сифатидаги моҳиятига путур этади.

3. Оҳангнинг бузилиши муסיқанинг бузилишига олиб келади. Бу ҳолатда муסיқа чинакам жозибасини йўқотади. Бир сўз билан айтганда, ҳозирги мураккаб замонда шахсни тарбиялаш, уни шакллантириш, қалбини турли ёт ғоялардан фориғ қилиш каби мураккаб вазифаларни бажаришда муסיқанинг тарбиявий хусусиятларини ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжни чуқур ўрганиш замон талаби даражасига етди.

1998 йилдан Ўзбекистон композиторлар уюшмаси ташаббуси билан Тошкент, Самарқанд, Хивада *Халқаро симфоник муסיқа фестивали*[6:1] ўтқизила бошланди. (2008, 2011, 2014 йиллари) “*Тошкент баҳори*” [7:3] номли опера ва балет санъати Халқаро фестивалида чет эллик дирижёр ва хонандалар иштирок этиб, тингловчиларни мумтоз театр муסיқа санъати намуналари билан таништирди. (2002, 2006 йиллар) “*Бойсун баҳори*”[8:1] фольклор фестивалида ва (2008, 2011 йиллар)“*Асрлар садоси*”[9:7] анъанавий

санъат фестивалларида анъанавий санъатимизнинг ранг баранг шакл ва жанрлари омма эътиборига хавола этилди.

Ҳар йили республика миқёсида Ю. Ражабий номли мақомчилар танлови, *катта ашула* ижрочилари танлови, бахши-шоирлар, фортепиано, торли ва дамли мусиқий чолғу асбоблари ижрочилари танлови ўтказилиб келинади.

Муҳокама. Республика мусиқий таълими тизимига кўзга кўринарли ўзгартиришлар киритилди. XX асрнинг 90-йилларидан вилоят мусиқа билим юртлари мусиқа санъат коллеждлари[10], 2019 йилдан ихтисослаштирилган санъатмактаб-лари[11] этиб қайта номланди. Ўзбекистонда Миллий рақс ва хореография Олий мактаби, Юнус Ражабий номидаги мақом институти, Ботир Зокиров номидаги эстрада ижрочилари олий мактаби, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий бадиий санъат ва дизайн Институти, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида Ўзбекистон Давлат Консерватория филиали [12] ҳамда опера мактаби, Эстрада-цирк санъати мактаби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қароримақом санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ташкил этиш тўғрисидаги қарорини таъминлаш мақсадида Фарғона, Бухоро ва Хоразм вилоятларида мақом мактаб-интернатлари[13] каби янги махсус санъат таълим даргоҳлари очилди. Самарқанд, Қарши вилоятлари Санъат коллеждлари учун янги бинолар қурилди, Р.Глиэр ва В.Успенский номидаги республика мусиқа академик лицейлари бинолари қайта таъмирдан ўтди.

Ўзбекистон Давлат Консерваториясида, Академик лицей ва ихтисослаш-тирилган мактаб интернатлари, мусиқа ва санъат мактабларда анъанавий ва эстрада ижрочилиги бўлимлари ва овоз операторлиги ихтисослиги бўйича тайёрлов курслари очилди. Республика Вилоятлар университетларида худудий мусиқий анъаналарини тубдан ўрганишга катта аҳамият қаратилмоқда. Урганч давлат университетида *Хоразм мақомларини* ижро этиш анъаналари ва *Хоразм танбур нотачизигини* ўқиш мақсадида илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Фарғона давлат университетида Фарғона – Тошкент мақомлари ва “*Катта ашула*” жанри ижро йўллари анъаналари, Термиз давлат университетида *бахшичилик санъати* анъаналари чуқур ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.Каримовнинг 2009-2014 йилларга мўлжалланган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларини моддий техник базасини яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган давлат дастури” ҳамда амалдаги Президентимиз саъи ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси тасдиқланди, Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республи-каси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорисосида Ўзбекистон болалар мусиқа ва санъат мактаблари бинолари қайта таъмирдан ўтди ва янгидан қурилди.

Хулоса қилиб айтганда мамлакат маданий ҳаёти “*Шарқ Ренессанси*”ни янги босқичини бошдан кечирмоқда. Ўзбек мусиқачилари жадал олдинга қараб қадам босишмоқда. Шундай экан ўзбек мусиқа маданиятининг буюк келажаги борасида шубҳаланишга ўрин йўқдир. Сабаби, қисқа вақт ичида юксак чўққиларга эришган тарихий ютуқларнинг самараси, кўп асрлик ажойиб анъаналари ва халқдан етишиб чиқаётган

санъат ихлосмандарига яратилаётган шарт шароитлар чек чегарасиз истиқболли келажакни таъминлаб турибти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -140 б
2. <https://lex.uz/ru/docs/177428> (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 8-сон, 109-модда) Тошкент ш., 1996 йил 27 август, ПФ-1550-сон
3. <https://buxgalter.uz/doc?id=315449>"Ягонасан, муқаддас Ватан!" Республика кўриктанловини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 07.04.2009 й.
4. <https://lex.uz/docs/509710> «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори
5. <https://lib.jspi.uz/storage/uploads/files/O'ZBEKISTON%20SANTATI.pdf> Ўзбекистон санъати журнали 23 б.
6. Умаров Маъмур. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи: дарслик. –Тошкент: Янги асплоди, 2009. 293-б
7. <https://lex.uz/docs/1605635> Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 августдаги 372-сон қарори
8. uforum.uz/showthread.php?t=4784&page=38 Олий Мажлис қонунчилик палатасида “Ўзбекистон театр санъатининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ривожлантириш 21.09.2012
9. <https://ziyouz.com/kutubxona/category/22-tarixiy-kitoblar?download=11795>
10. afisha.uz/misc/2008/07/04...festivale-asrlar-sadosi/
11. <https://lex.uz/docs/178763> (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 1-сон, 13-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 28-29-сон, 203-модда; 2014 й., 29-сон, 356-модда; 2017 й., 20-сон, 354-модда)
12. <https://lex.uz/docs/4147298> (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2019 й., 09/19/9/2440-сон, 18.10.2019 й., 09/19/880/3934-сон, 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон; 09.01.2021 й., 09/21/7/0005-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон, 22.06.2021 й., 09/21/385/0583-сон)
13. <https://lex.uz/docs/5355586> (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2021 й., 09/21/186/0289-сон, 30.04.2021 й., 09/21/258/0400-сон)
14. <https://lex.uz/docs/4602613> (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2019 й., 09/19/940/4053-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)
15. Madina Nasretdinova, Dilshod Toshaliyev, & Durdona Raimjon Qizi Murodova (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. Scientific progress, 3 (2), 846-850.
16. Madina Nasretdinova, Ismoil Rustamov, & Oybek Karimov (2022). MUSIQA SAN'ATINING HOZIRGI KUNDAGI O'RNI. Scientific progress, 3 (2), 841-845.

17. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 251-258.
18. Madina Nasritdinova, Mansurova Nigora, & Durdon Murodova. (2022). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. *Archive of Conferences*, 44-48. Retrieved from <https://www.conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/1888>
19. Madina Nasritdinova 2021/9-II Actual problems of modern science, education and training THEORETICAL FUNDAMENTALS OF HEALTH THROUGH DEVELOPING CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. 29-33 page
20. Kambarav, A. A. (2020). ATTITUDE TO SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(9), 158-165.
21. Toshaliyev, D. (2021). A BRIEF PHILOSOPHICAL-SCIENTIFIC ANALYSIS OF МАКОМС. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(12), 91-95.
22. Qurbonova, B. (2017). FINE ARTS ROLE IN DEVELOPMENT SPIRITUAL МИРОВОЗРЕНИЯ PERSONS. *УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА*, (2-3), 50.
23. Курбонова, Б. (2017). РОЛЬ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В РАЗВИТИИ ДУХОВНОГО МИРОВОЗРЕНИЯ ЛИЧНОСТИ. *Ученый XXI века*, 48.
24. Курбонова, Б. М. (2016). Роль перспективы в создании образца изобразительного искусства. *Учёный XXI века*, (7 (20)), 29-31.